

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ

2022 йил " [] куни [] вилояти жиноят ишлари бўйича [] туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,
раислик қилувчи судья: [] судья ёрдамчиси [] котиблигида, тарафлардан Тошкент вилояти [] туман прокурорининг ёрдамчиси Х [] судланувчи [] ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган судланувчи:

[], миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, " [] фермер хўжалиги раҳбари, муқаддам судланмаган, [] вилояти, [] мфй, [] яшовчи, айблов далолатномаси ўз вақтида олган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида "Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат" қўлланилганга

нисбатан []-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

[] 2022 йил 29 март куни соат 10:00ларда ўзининг бошқарувида бўлган "Каптива" русумли автомашинасида [] кўйли маҳалласи ҳудудидан ўтган автомобиль йўлидан ўзининг уйига қараб ҳаракатланиб чиқиб кетаётган вақтида ўзидан олдинда бўлган [] ўзининг "Дамас" русумли автомашинаси йўл бўйида тўхтаб қолиб ортидан ҳаракатланиб келаётган автомобилларни йўлини тўсиб қўйиши натижасида жанжаллашиб қолган. Шундан сўнг [] ва [] ўртасида юзага келган келишмовчиликлари натижасида, [] қасддан тан жароҳати етказишни мақсад қилиб, унинг ўнг кўкрак қисмига қўллари билан бир неча мартаба уриб қасддан тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2022 йил 22 апрелдаги 345-Б-сонли хулосасига кўра, [] кўкрак қафаси ўнг соҳаси учинчи қовурғанинг ёпиқ синиши тан жароҳати аниқланган бўлиб, бу тан



жароҳати қандайдир ўтмас қаттиқ жисм орқали етказилган бўлиб, жароҳатларнинг етказилган вақти тиббий ҳужжатларга асосан 2022 йил 29 март кунига тўғри келишлиги, ушбу тан жароҳатлари биргаликда узоқ вақтга яъни 21 кундан ортиқ 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга соғлиғининг бузулишига олиб келган, оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғир” тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] унга эълон қилинган айбига умуман иқрор эмаслигини билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2022 йил 29 март куни эрталаб [REDACTED] тумани [REDACTED] қўйли маҳалласи марказидаги ҳар сешанба куни бўладиган бозорга ўзига тегишли бўлган “Каптивa” русумли автомашинасида борганлигини, сабаби амакисини ўғли дарёда чўкиб кетганлиги, ғаввосларга сувга тушиб қидириш учун арқон керак бўлганлиги, у шу куни бозорга кириб у ердан арқон сотиб олиб қайтиб чиқиб уйга кетмоқчи эканлигини, у автомашинасига миниб катта йўлга чиқиб кетмоқчи бўлганида, у ҳаракатланиб чиқиб кетадиган йўл тўсилиб қолганлигини, уни автомашинасини олдида матиз ва нексия автомашиналари ҳам йўлни тўсиб қўйган “Дамас” русумли автомашинага йўлни очиши учун сигнал бериб турганлигини, у шу куни шошиб турганлиги учун “Дамас” автомашинасини ёнига борганида ҳайдовчиси ўзини маҳалласидаги [REDACTED] айтганлигини, шунда у унга қараб турли хилдаги куракда турмайдиган ҳақоратли сўзлар билан ҳақоратлаб кетганлигини, у унга ҳақоратламаслигини айтганлигини, [REDACTED] бориб ўтирганлигини, шунда [REDACTED] уни ёнига қараб келганлигини ва уни яна ҳақорат қилганлигини, шунда уни ёқасидан ушлаб силтаганлигини, лекин уни урмаганлигини, уларни шу ерда бўлган [REDACTED] ака келиб ажратиб олганлигини, [REDACTED] унга туҳмат қилаётганлиги, у терговчига жанжал жойида бўлган камерани кўтаришини сўраганлиги, аммо терговчи унга камерага ёзилган видео ёзув ўчиб кетганлигини айтганлигини, бундан ташқари [REDACTED] биринчи марта 2022 йил 29 март куни ўтказилган рейнген текширувидан ўтганида унда тан жароҳати аниқланмаганлиги, кейин 2022 йил 1 апрелда куни компьютер томографиясидан ўтганида уни ўнг кўкрак қафаси 3 қовурғани ёпиқ синиши тан жароҳати аниқланганлиги, агар жабрланувчи [REDACTED] кўрсатмасига кўра у [REDACTED] “Дамас” автомашинаси ичида ўтирган ҳолатида урган бўса қандай қилиб унинг ўнг кўкрак қафасига уриши мумкинлигини, [REDACTED] унга туҳмат қилаётганлигини, уни айби йўқлигини, шу сабабли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраб, кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби, ишда мавжуд қуйидаги далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] қуйидагиларни, яъни у 2022 йил 29 март куни соат



10:00ларда [REDACTED] қўйли маҳалласи ҳудудида ҳар сешанба бўладиган бозорга ўзига тегишли бўлган “Дамас” русумли автомашинасида бориб автомашинасини йўл четига тўхтатиб бозорга ўзи кириб кетганини, у шу куни бозорга бориб, ўзининг рўзғорига нарсаларни сотиб олиб бозордан чиқиб автомашинасининг ёнига келиб автомашинасига ўтирганлиги, уни автомашинасида маҳалладоши [REDACTED] бўлганлиги, у энди уйга кетиш учун ҳаракатланиб турганида автомашинаси бироз юрганидан сўнг йўл четига асосий йўлга чиқиб тўхтаб ўчиб қолганлиги, шунда у автомашинасини нима сабабдан ўчганлигини билиш мақсадида энди автомашинасидан тушмоқчи бўлиб турганида, ортидан унга олдиндан таниш бўлган маҳалладоши [REDACTED]

[REDACTED] деб қўлини мушт қилган ҳолатда қорин қисмини ўнг тарафига уриб кетганини, у автомашина ичида бўлганлиги сабабли унга қаршилик қила олмаганлиги, уни Х [REDACTED] зарб билан қорин қисмига уриши натижасида у оғриқдан ўзини йўқотиб қўйганлиги, сўнг у ўзига келиб [REDACTED] нима сабабдан урганлигини, автомашинасини ўзи ўчиб қолганлигини, у бу ишни атайлаб қилмаганлигини айтганлигини, шунда [REDACTED] уни гапига қулоқ солмасдан уни яна қорин қисмига қўли билан урганлиги, шунда уларни шу ерда бўлган [REDACTED] келиб ажратиб олганлигини, шунда ҳам [REDACTED] уни тинмасдан турли хилдаги куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб кетганлигини, шундан сўнг у автомашинасини тузатиб уйга кетганлигини, у уйга қайтаётган вақтида [REDACTED] урган жой оғрий бошлаганлиги, шу сабабли у уйга борганидан сўнг уни [REDACTED]

келганлигини, шифохонада уни кўкрак қисмини рентген қилганлиги, биринчи марта рейнген текширувидан ўтганида унда тан жараҳати аниқланмаганлиги, бироқ уни кўкрак қафасида оғриқ бўлганлигини, шундан сўнг [REDACTED] а бориб компьютер томографиясидан ўтганида, уни ўнг кўкрак қафаси 3 қовурғани ёпиқ синиши тан жараҳати аниқланганлиги, шифокорлар биринчи қилинган рейнген текшируви сифатсиз бўлганлигини, шу сабабли тан жараҳати аниқланмаганлигини айтишганлигини, шундан сўнг у шифохонада бир ҳафта давомида даволаниб чиқиб кейин уй шароитида ҳам даволанганлиги. [REDACTED]

[REDACTED] уни 2-гурӯҳ ногирон эканлигини била туриб шунча урганлигини, соғлиғини тиклаш учун 2.000.000 сўмга дори-дармон олганлигини, лекин ҳамма чекларини йиғмаганлигини, шу сабабли судланувчи [REDACTED] унга нисбатан етказилган зарарни ундириб беришни ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўраган.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] қуйидагиларни, яъни у 2022 йил 29 март куни Бекобод тумани Қора қўйли маҳалласи ҳудудида ҳар сешанба бўладиган бозорга борганлигини, у шу ерда бўлган вақтида соат 10:30 ларда у йўлга қараса йўлда ўзларининг маҳалласида яшовчи [REDACTED] акани “Дамас”



русумли автомашинаси йўлда тўхтаб қолганлиги кўрганлигини, шунда унинг ортида бошқа машиналар ҳам тўпланиб йўлдан ўта олмай қолишганини, шу вақт шу ерда бўлган маҳалладошлари Раҳманов Хайрулла автомашинасидан тушиб [REDACTED] билан уришиб кетишганлигини, шунда у шу ерда бўлган [REDACTED] акани уларни ажратиш олиш учун жўнатганини, сўнг [REDACTED] уларни ёнига бориб [REDACTED]

[REDACTED] бўлганлиги ҳамда Х [REDACTED] уни устида бир неча марта аризалар ёзганлиги сабабли, уларни ёнига бормаганини, шу куни [REDACTED] аниқ [REDACTED] билан жанжаллашганлигини, [REDACTED] дуч келган жойига урганлиги, улар жанжаллашганлиги сабабли уларни ажратиш учун [REDACTED] юборганлигини айтиб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] қуйидагиларни, яъни у 2022 йил 29 март куни [REDACTED] тумани [REDACTED] қўйли маҳалласи ҳудудидаги сешанба куни бўладиган бозорга бориб уйига қайтаётганида йўл бўйида маҳалладоши [REDACTED]

[REDACTED] кўрганлиги, шунда уларни жанжалини кўриб турган [REDACTED] унга уларни бориб ажратиш қўйишлигини айтганлигини, шундан сўнг у [REDACTED]

[REDACTED] тариқасида сўроқ қилинган суд-тиббий экспертизаси [REDACTED] туманлараро бўлинмаси давлат суд эксперти [REDACTED], [REDACTED] нисбатан 2022 йил 22 апрелдаги 345-Б-сонли хулосани у берганлиги, у Т.Бозоровни тиббий кўриқдан ўтказиб, сўнг берилган тиббий текширув натижаларига асосан хулоса берганлиги, ҳақиқатдан ҳам [REDACTED] 2022 йил 29 март куни рейнген текширувидан ўтганида унда тан жароҳати аниқланмаганлиги, сабаби рейнген текшируви жуда сифатсиз бўлганлиги, шундан сўнг [REDACTED] 2022 йил 1 апрелда куни МСТК “мультипераль компьютер томографияси” да текшириб кўрилганида, уни кўкрак қафаси ўнг соҳаси учинчи қовурғанинг ёпиқ синиши тан жароҳати аниқланган бўлиб, бу тан жароҳати қандайдир ўтмас қаттиқ жисм орқали етказилган бўлиб, жароҳатларнинг етказилган вақти тиббий ҳужжатларга асосан 2022 йил 29 март кунига тўғри келишлиги, ушбу тан жароҳатлари биргаликда узоқ вақтга яъни 21 кундан ортиқ 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга соғлиғининг бузулишига олиб келган, оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғир” тан жароҳатлари тоифасига кириши аниқланганлиги, тиббиётда қон талашнинг оғирлик даражаси йўқлигини, қон талашга қараб тан жароҳатни оғирлик дарадаси белгиланмаслиги, [REDACTED] тан жароҳати етказилган вақти тиббий ҳужжатларга асосан 2022 йил 29 март кунига тўғри келишлиги, бу тан жароҳати эски тан жароҳати эмаслигини айтиб, кўрсатма берди.

Суд судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] ўрмаганлиги, [REDACTED] унга туҳмат қилаётганлиги ҳақидаги важлари



қуйидагиларга кўра ўз тасдиғини топмаган деб ҳисоблайди.

Судда сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] судланувчи [REDACTED] уни ҳақоратлаб, қўлини мушт қилган ҳолатда қорин қисмини ўнг тарафига урганлигини, уларни шу ерда бўлган [REDACTED]

Судда сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED] маҳалладошлари [REDACTED] кетишганлигини, шунда у шу ерда бўлган [REDACTED] акани уларни ажратиб олиш учун жўнатганини, сўнг М [REDACTED] ёнига бориб

[REDACTED] гувоҳ [REDACTED] маҳалладоши [REDACTED] жанжалини кўриб турган

[REDACTED] ажратганлигини баён қилди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган суд-тиббий экспертизаси [REDACTED] вилояти [REDACTED] уманлараро бўлинмаси давлат суд эксперти [REDACTED] ўз кўрсатмасида, экспертиза текширувида [REDACTED]

жароҳати аниқланганлиги, [REDACTED] етказилган тан жароҳатини вақти тиббий ҳужжатларга асосан 2022 йил 29 март кунига тўғри келишлигини баён қилди.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2022 йил 22 апрелдаги 345-Б-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] кўкрак қафаси ўнг соҳаси учинчи қовурғанинг ёпиқ синиши тан жароҳати аниқланган бўлиб, бу тан жароҳати қандайдир ўтмас қаттиқ жисм орқали етказилган бўлиб, жароҳатларнинг етказилган вақти тиббий ҳужжатларга асосан 2022 йил 29 март кунига тўғри келишлиги, ушбу тан жароҳатлари биргаликда узоқ вақтга яъни 21 кундан ортиқ 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга соғлиғининг бузулишига олиб келган, оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғир” тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда суд, судланувчи [REDACTED] томонидан юқорида билдирилган важлар судни чалғитиш ва жиной жавобгарликдан қутулиб қолиш учун ўйлаб топилган важлар деб баҳолайди.

Шунингдек, судланувчи Х [REDACTED] аризаси (и.в. 5), жабрланувчи [REDACTED] нисбатан судга оид тиббий экспертизасининг 2022 йил 22 апрелдаги 345-Б-сонли хулосаси (и.в. 21-23), гумонланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси (и.в. 56-58) ва бошқа иш бўйича тўпланган далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Х [REDACTED] содир этилган жиной ҳаракатларининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг жиной ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган ва



ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши кўрсатилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим;

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда жазони барча оғирлаштирувчи қа енгиллаштирувчи ҳолатларини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, [REDACTED] д тумани “ [REDACTED] . томонидан кафиллик хатлари берилганлигини, айбига умуман иқдор эмаслигини, жабрланувчининг моддий даъвоси борилигини инобатга олиб, унга айбдор деб топилаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий зарарни ундириш масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчи [REDACTED] судланувчи [REDACTED] унга етказилган 2.000.000 сўм моддий



зарарни ундириб беришни сўраган бўлса-да, бироқ у томонидан 550.000 сўмга дори-дармон олганлиги ҳақидаги чекларни судга тақдим қилганлиги, бироқ қолган моддий зарарни тасдиқловчи чек ёки квитанция тақдим қилмаганлиги сабабли, жабрланувчи [REDACTED] моддий ва маънавий зарарни қолган қисмини судланувчи [REDACTED] ундириш масаласида унинг яшаш жойи бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 211, 454-457, 462, 463, 465-468 ва 471-474-моддаларига мувофиқ, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

[REDACTED] 105-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан иш ҳақидан 20 фоиз давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини иш жойида ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати [REDACTED] ахлоқ тузатиш ишини бошлаган кундан ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро қилиш [REDACTED] сўнг судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 550.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ва маънавий зарарни қолган қисмини судланувчи [REDACTED] ундириш масаласида унинг яшаш жойи бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида [REDACTED] т вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида протест ёки шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

